

ЛИБЕРАЛИЗМ КЛАССИКЛАРИ: ИЕРЕМИЯ (ЖЕРЕМИ) БЕНТАМ

Бахтияр ЯКУБОВ,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
“Сиёсий фанлар” кафедраси доценти,
сиёсий фанлар доктори (DSc)

Аннотация: ушбу мақола XVIII аср Англия либерализмининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган, лекин К.Маркснинг битта фикри тўғрисида ижоди ўтган асрнинг 20-йилларидан то 90-йилларигача постсовет ҳудудида, шу жумладан, Ўзбекистонда қарийб “унутилган” инглиз файласуфи, ҳуқуқшуноси, утилитаризм таълимотининг асосчиси И.Бентам қарашларига бағишланган. Мутафаккирнинг илмий тадқиқоти миқёси ниҳоятда кенг эканлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу мақолада унинг иқтисодиётга оид қарашлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: И.Бентам, либерализм, утилитаризм, фойдалилик тамойили, яхшилик ва ёмонлик, энг кўп инсон учун энг кўп яхшилик, мулк, камбағаллик, давлат.

Классики либерализма: Иеремиа (Джеремии) Бентам

Бахтияр Якубов,

Доктор политических наук, (DSc), доцент кафедры политических наук
Узбекского государственного университета мировых языков

Аннотация: данная статья посвящена изучению взглядов И.Бентама, английского философа, юриста и основателя доктрины утилитаризма. Он сыграл важную роль в формировании английского либерализма XVIII века. Однако, с 1920-х по 1990-е годы наследие И.Бентама были почти “забыты” на прежнем советском пространстве, включая Узбекистан, из-за критического отношения к его идеям со стороны К.Маркса.

Учитывая крайне широкий круг научных исследований мыслителя, в статье автор предпринял попытку анализа взглядов И.Бентама на экономику с точки зрения современных трендов.

Ключевые слова: И.Бентам, либерализм, утилитаризм, принцип полезности, добро и зло, наибольшее благо для наибольшего числа людей, собственность, бедность, государство.

Classics of Liberalism: Jeremy Bentham

Bakhtiyar S. Yakubov,

DSc (in Political Science), Associate Professor of the Department
of Political Science, Uzbek State University of World Languages

Abstract: this article is devoted to the study of the views of J. Bentham, an English philosopher, lawyer, founder of the doctrine of utilitarianism, who played an important role in the formation of English liberalism of the 18th century, but whose works were almost “forgotten” in the post-Soviet space, including Uzbekistan, from the 1920s to the 1990s due to the attitude of K. Marx to the work of this thinker.

Taking into account the extremely wide range of scientific studies of the thinker, the article analyzes his views on economics.

Keywords: J. Bentham, liberalism, utilitarianism, principle of utility, good and evil, the greatest good for the greatest number of people, property, poverty, state.

XVIII аср инглиз либерализмининг йирик намояндаларидан бўлган Иеремия Бентам – ўз ижоди билан мана қарийб икки юз йил давомида Ғарб тадқиқотчиларининг эътиборини тортиб келган мутафаккирлардан бири. Унинг фалсафа, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, давлат бошқаруви, этика каби кўплаб соҳаларда ёзиб қолдирган асарлари мутахассисларнинг доимий қизиқиш марказида бўлган [1]. Ушбу қизиқишни мутафаккир ижодига бағишланган ва турли тилларда чоп этилган юзлаб монография ва мақолалар эълон қилиниб, илмий ишлар амалга оширилганида кўриш мумкин. Қолаверса, Оксфорд университети томонидан И.Бентамнинг 36 томлик асарлари тўпламини чоп этиш устида иш олиб борилаётгани, Лондон университети базасида эса, узоқ йиллардан буён халқаро бентамшунослик ҳаракати фаолият юритиб, ўз сафларига дунёнинг турли қитъаларидан аллома ижодига қизиқувчи мутахассисларни бирлаштиргани ҳам шундан далолат беради.

Лекин, шунга қарамасдан, бизда И.Бентам [2] ижоди қарийб ўрганилмаган. Фақат ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлабгина илмий нашрларда у ҳақида фикрлар илгари сурила бошлаган.

Бунга асосий сабаб ўз вақтида К.Маркс томонидан И.Бентам таълимотига жуда салбий муносабат билдирилгани билан боғлиқ.

К.Маркс ўзининг “Капитал” асарида, аниқроғи, ушбу асарнинг 1-жилдидан жой олган қўшимча қийматнинг капиталга айланиши масалаларига бағишланган XXII бобида жамоат мулки тўғрисида фикр юритар экан, И.Бентам қарашларига тўхталади ва изоҳлардан бирида: “Агар менда дўстим Г.Гейненинг жасорати бўлганида эди, мен жаноб Иеремияни буржуа аҳмоқлигининг даҳоси” деб атаган бўлардим”, деган

фикрни билдиради [3]. Битта мана шу баҳо туфайли совет даврида, қарийб етмиш йил давомида И.Бентам мероси иттифоқ ҳудудида умуман ўрганилмаган. Унинг асарларига тўхталиб ўтилган тақдирда ҳам К.Маркс берган баҳо руҳида фақат салбий муносабат билдириб келинганини кўриш мумкин [4].

Албатта, ўн йилликлар давомида барча фалсафий масалаларга фақат марксизм нуқтаи назаридан фикр билдириб келинган бир даврда, И.Бентамга бундай салбий муносабат сақланиб қолгани табиий. Натижада, анча узоқ давр ушбу алломанинг фикрлари, у илгари сурган ғоялар нафақат ўзбекистонлик, балки Собиқ иттифоқнинг бошқа республикаларидаги тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келган.

Ваҳоланки, И.Бентам фалсафа ва сиёсатшунослик доирасида ўрганиладиган “утилитаризм”, этика ва бошқа бир қатор фанлар доирасида тадқиқ этиладиган “деонтология” йўналишлари асосчиси, ҳуқуқшуносликнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган “ҳуқуқий позитивизм” йўналишининг асосчиларидан бири, “радикал файласуфлар” мактабининг ғоявий раҳнамоси бўлган. Ҳатто “интернационал”, “кодификация” каби бугунги кунда жуда кенг тарқалган терминларнинг фанга кириб келиши ҳам айнан И.Бентам номи билан боғланади.

Ўз даврининг йирик ҳуқуқшунослари, сиёсатшунослари ва жамоат арбоблари унинг салоҳиятига ниҳоятда катта баҳо беришган. Масалан, XIX асрда яшаб, ижод қилган немис сиёсатшуноси Р.Моль уни “мантиқий фикрлаш қаҳрамони” сифатида таърифласа, машҳур рус адвокати А.Кони “чуқур фикрлаш қобилиятига эга бўлган аллома”, дея баҳолаган [5].

У ўз даврининг йирик мутафаккирлари: А.Смит, О.Мирабо, АҚШ президенти Д.Мэдисон, вице-президенти А.Бэрр,



қолаверса, Лотин Америкасининг бир қатор давлатлари етакчилари билан ёзма мулоқотда бўлганлиги, турли соҳа вакиллари унга шогирд бўлишга ҳаракат қилганликлари И.Бентамнинг, ҳақиқатдан ҳам, ўз даври илм оламида жуда катта ўринга эга бўлганлигидан далолат беради.

Буюк британиялик йирик конституционалист ва ҳуқуқ назариётчиси А.Дайси Англия ҳуқуқшунослигида 1825 йилдан 1870 йилгача бўлган даврни “Бентамизм даври” дея таърифлайди. Чунки, унинг таъкидлашича, мамлакатда ҳуқуқий анъаналарни шакллантиришга, айниқса, катта таъсир кўрсатувчи қатлам бўлмиш инглиз судьяларининг ўзи айнан Бентам либерализми таъсирида шаклланган [6].

И.Бентамнинг асосий қарашлари, фикрлари ҳуқуқ йўналиши билан боғлиқ бўлиб, унинг ёндашувларини тўлақонли очиш учун айнан ҳуқуқ соҳасидаги асарлари муҳим ўрин тутаяди. Ҳатто кўпчилик тадқиқотчилар XVIII аср маърифатпарварлик даври иқтисодида А.Смит қандай ўрин эгаллаган бўлса, И.Бентам ҳам ушбу давр ҳуқуқшунослиги учун айнан шундай аҳамиятга эга сиймо бўлганини таъкидлашади, уни “ҳуқуқшунослик Ньютони” дея таърифлашади.

Ҳақиқатдан ҳам, унинг ўз даври ҳуқуқшунослиги учун муҳим аҳамият касб этган табиий ҳуқуқлар ва ижтимоий келишув концепцияларига қарши илгари сурган қарашлари, жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, конституциявий ҳуқуқ ва ҳатто қамоқ тизимини такомиллаштириш бўйича [7] илгари сурган кўплаб ғоялари, халқаро ҳуқуқ йўналишида қолдирган асарлари уни ўз даври ҳуқуқшунослигининг йирик намояндасига, “устозлар устози” [8] сифатида тан олинишига асос бўлди.

И.Бентам томонидан амалга оширилган фуқаролик ва жиноий ҳуқуқни коди-

фикация қилиш борасидаги ишланмалар Франция, Германия, Испания, Португалия, Лотин Америкаси давлатларида қўлланилган ёки қўллашга ҳаракатлар бўлган.

Албатта, И.Бентамнинг ҳуқуқ соҳасидаги қарашлари ҳали ҳуқуқшунослар томонидан алоҳида ўрганилиши аниқ. Биз ушбу мақолада алломанинг иқтисод масалаларига бағишланган айрим қарашларига тўхталиб ўтамиз.

И.Бентамнинг барча йўналишлардаги фикрлари пойдеворида у яратган таълимот – утилитаризмга асосланган қарашлар турган бўлиб, даставвал, ушбу таълимотнинг моҳиятига тўхталиб ўтиш ўринли бўлади.

“Утилитаризм” атамаси лотинча “utilitas” – манфаат, фойда сўзлари билан боғлиқ бўлиб, унинг келиб чиқиши ахлоқни роҳатланишга боғловчи антик даврга оид гедонизм таълимотига бориб тақалади. Тадқиқотчилар И.Бентам нафақат ушбу таълимот, балки этика ва ҳуқуқнинг асосий тамойили сифатида “энг кўп сонли кишиларга энг кўп бахт таъминлаб бериш” тўғрисидаги ғояларни илгари сурган К.Гельвеций, Ч.Беккария асарларидан ҳам руҳланганлигини ёзишади. Аслида, “бахт” тушунчаси орқали жамиятнинг катта қисмининг фаровонлигига эришишни назарда тутувчи ушбу қарашлардан илҳомланган ҳолда ўз асарларини яратган алломалар орасида Ж.Локк, А.Смитнинг устози Ф.Хатчесон ва бошқаларни ҳам санаб ўтиш мумкин. Лекин айнан И.Бентам ушбу назарияга секуляр ва тизимли шакл бериб, уни ахлоқ ва ҳуқуқ фалсафасининг танқидий таҳлил қилиш воситасига айлантирди.

Шу тўғрисида ҳам утилитаризм назарияси айнан И.Бентам, қолаверса, унинг шогирди Дж.С. Милльнинг номлари билан боғланади.

Шу ўринда И.Бентамнинг “Ахлоқ ва

қонунчилик асосларига кириш” номли асарида, аниқроғи, ушбу асарнинг “Фойдалилик тамойили” деб номланувчи II бобида илгари сурган бир фикрини келтириб ўтиш ўринлики, айнан шу фикр орқали марказида “фойда”, “манфаат” тушунчаси турган Бентам утилитаризми қандай асосларга таянишини англаб олиш мумкин бўлади: “Табиат инсонни иккита олий ҳукмдор, азобланиш ва роҳатланиш бошқаруви остига қўйган. Бизнинг нима қила олишимизни белгилаш ҳамда биз нима қилишимиз лозимлигини кўрсатиш имконияти фақат уларга берилган. Бир томондан, яхшилик ва ёмонлик қиёфаси, иккинчи томондан, сабаб ва ҳаракат мақсади айнан уларнинг ҳукмига боғлиқ. Улар бизни барча қилаётган ишларимизда бошқаради: ушбу қарамликни инкор қилиш мақсадида биз томонимиздан қилинадиган ҳар қандай ҳаракат фақат ушбу ҳақиқатни исботлаш ва тасдиқлашга хизмат қилади, холос. Сўзда инсон уларнинг қудратини инкор қилишга ҳаракат қилиши мумкин, лекин амалда уларга мангу қарам ҳолда қолаверади. Фойдалилик тамойили эса, мана шу қарамликни тан олади ҳамда уларга ақл ва қонун кучига таянган ҳолда бахт биносини қуриш мақсадини ўз олдига қўйган тизимнинг асоси сифатида қарайди” [9].

И.Бентам фойдалилик тамойили тўғрисида гапирганда, манфаатдор томоннинг бахтли бўлишига ёки аксинча, унинг бахтли бўлишига тўсиқ бўлиши мумкин бўлган ҳаракатларга тўхталиб, бунда гап нафақат инсонлар томонидан, балки ҳар қандай ҳаракат, шу жумладан, ҳукумат томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар тўғрисида боришини таъкидлайди [10].

Роҳатнинг умумлашган кўриниши сифатида “бахт” тушунчаси илгари сурилади. Бу борада утилитаристлар қарашларини, айниқса, яққол ифодалаган

Милль: “Ахлоқнинг фундаменти сифатида “фойда” тушунчасига, қолаверса, энг кўп бахт тўғрисидаги қарашларга асосланган доктрина ҳар қандай ҳаракатни бахтга эришишга ёки аксинча, ушбу жараёнга қаршилик қилишга қаратилганидан келиб чиқиб, тўғри ёки нотўғри ҳаракат сифатида баҳолайди. Бахт деганда, роҳатнинг мавжудлиги ва ҳасратнинг йўқлиги тушунилади... роҳатга эришиш ва ҳасратдан холи бўлиш, охир-оқибатда, инсонлар истайдиган ягона қадриятлардир” [11], – дея фикр билдиради.

Утилитаристлар (шу жумладан, И.Бентам) таълимотида марказий ўрин тутувчи “роҳат”, “бахт” тушунчалари асосида, албатта, инсон, жамият фаровонлиги борасидаги фикрлар жамланганлигини англаб олиш қийин эмас.

Бентам “Ахлоқ ва қонунчилик асосларига кириш” асарида утилитаризм концепциясининг моҳиятини англашга ёрдам берадиган муҳим хулосаларни келтиради.

Унинг фикрича, аслида, хусусий манфаатлар реал бўлиб, жамият манфаатлари шахсий манфаатларнинг умумлашмаси, холос. “Жамият уни ташкил этувчи индивидуал шахслардан таркиб топган сунъий танадир. Шундай экан, унда жамиятнинг манфаатлари нимадан иборат?”, – деб савол қўяди у ва ўзи унга жавоб бериб, “Уни (жамиятни – Б.Я.) ташкил қилувчи шахслар манфаатларининг йиғиндисидан иборатдир”, – дея фикр билдиради. Бентамнинг фикрича: “Алоҳида шахс манфаатини англаб олмасдан туриб, бутун жамият манфаати тўғрисида фикр юритиш бекор иш” [12]. Ушбу фикрлар либерализмга хос таянч қарашлардан бири бўлган шахс манфаатига алоҳида урғу бериш – Бентам утилитаризмининг ҳам ўзак қарашларидан бири эканлигини кўрсатади.

И.Бентамнинг таъкидлашича, инсоний фазилат, биринчидан, шахснинг ўз



индивидуал бахтини топишга ҳаракат қилишида бўлса, иккинчидан, бошқаларнинг бахтли бўлишига кўмак беришдир. Ҳақиқий фазилат эса, жамиятда бахтнинг умумий суммасини оширишга хизмат қилувчи муҳим мақсадлар йўлида ўз шахсий манфаатларидан кеча олишдир. Мазкур фикрлар эса, И.Бентам либерализмига хос бўлган иккинчи бир муҳим жиҳатни, аниқроғи, унинг либерализмида ижтимоий йўналишга муҳим эътибор ажратилишини яққол кўрсатади. Ижтимоий ҳимоя масалалари И.Бентам либерализмида муҳим ўрин тутишини таниқли америкалик ҳуқуқшунос Р.Ротунда ҳам таъкидлайди [13].

И.Бентамнинг фикрича, айнан умумий бахт, жамият бахти ёки бошқача айтганда, кўпчиликнинг бахти ахлоқнинг олий мезони сифатида қаралади. Шундан келиб чиққан ҳолда И.Бентам урғу берадики, ҳар қандай ҳаракатни, хоҳ у алоҳида инсон томонидан амалга ошириладиган ҳаракат бўлсин, ёки ҳукумат томонидан, ушбу ҳаракат жамият бахтини, яъни фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган бўлса, уни фойдалилик тамойилига мос ҳаракат сифатида баҳолаш мумкин. Ўз навбатида, И.Бентам бу билан чекланмасдан, қандай мотивлар ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қилаётган инсонни бошқалар манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилишга мажбур қилишини асослаб беради [14].

Буларнинг барчаси асосида мутафаккир ўз таълимотида марказий ўринни эгаллаган тушунча – фойдалилик тамойилининг моҳияти: “Энг кўп сонли кишиларга энг кўп бахтни таъминлаб бериш”дан иборат эканлиги тўғрисидаги хулосани илгари суради. Шу тариқа, И.Бентам ёндашувида бахтнинг индивидуал ўлчовидан ижтимоий ўлчовига ўтиш амалга ошади. Яъни мутафаккир жами-

ятнинг, қолаверса, ҳукуматлар амалга оширадиган ҳаракатларнинг бош мақсади нафақат алоҳида шахс ёки шахслар гуруҳи учун, балки бутун жамият учун, шу жамиятда истиқомат қилаётган энг кўп сонли инсонлар учун имкон қадар кўп бахтни, фаровонликни таъминлаш йўллариини излаш ва топишга йўналтирилган бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикрни ўртага ташлайди. Бундай ёндашувлар Ўрта асрлар Шарқ алломалари асарларида ҳам учраши диққатга сазовордир. Хусусан, Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шахри” асарида давлат вазифаларига тўхталар экан, “Давлатнинг вазифаси инсонларни бахтсаодатга олиб боришдир”, – деган ғояни илгари сурганлиги яхши маълум [15].

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, И.Бентам утилитаризми учун айнан индивид, шахс манфаати марказий ғоя бўлиб, уни аллома муҳим фазилат даражасига олиб чиқса-да, индивидуал манфаатни жамоат манфаатига қарши қўймайди. Аксинча, имкон қадар кўпроқ алоҳида шахслар манфаатларига эришишни жамият манфаатига эришиш йўли сифатида, яъни айнан шахс манфаатларини жамият манфаатларига эришиш йўли сифатида қарайди.

И.Бентам ўзининг хоҳ ҳуқуқ соҳаси бўлсин, хоҳ ижтимоий ҳаётнинг бошқа йўналишларига оид барча асарларида айнан мана шу ёндашув асосида ўз фикрларини асослашга ҳаракат қилади.

Хусусан, И.Бентам ўз даври инглиз қонунчилигини қаттиқ танқид остига олар экан, аслида, ҳуқуқий тизимнинг мақсади ушбу қадриятга, яъни жамиятда яшовчи максимал даражадаги инсонларнинг бахтли, яъни фаровон бўлишига эришишга қаратилиши лозимлиги, ахлоқ ва ҳуқуқнинг ҳар бир нормаси шу нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳоланиши лозимлиги тўғрисидаги фикрни илгари суради.

И.Бентам ўзи илгари сураётган қарашлардан либерализм ғояларини асослаш учун фойдаланган. Жумладан, умумий фойда, жамият фойдаси тўғрисидаги утилитаристик қарашлар асосини ташкил қилувчи фикрлар И.Бентам асарларида либерализмнинг асосий ғоялари бўлган: хусусий тадбиркорлик фаолияти, давлатнинг иқтисодий ҳаётга имкон қадар камроқ аралашуви, хусусий мулк ҳимояси каби қарашларни шакллантиришда ўзига хос тамал тоши вазифасини ўтаганлигини кўриш мумкин.

Унинг қарашларига кўра, бутун жамият фаровонлиги алоҳида шахсларнинг фаровонлиги умумлашмаси сифатида ўртага чиқар экан, демак, қанча кўп индивид ўз фаровонлигига эришгани сари, умумий фаровонлик ҳам ошиб бораверади. Хусусий манфаатларни таъминлаш учун имкониятлар қанчалик эркин бўлар экан, индивиднинг қабул қилаётган қарорлари шунчалик кўпроқ умумий манфаатларга уйғунлашиб бораверади” [16].

Ушбу қоида, мутафаккирнинг фикрича, айниқса, иқтисод соҳасида алоҳида аҳамият касб этади. Ўзига замондош давлатлар ҳукуматларига мурожаат қилар экан И.Бентам, жумладан, шундай дейди: “Барча савдогарлар ва капиталистларнинг эркин ҳаракат қилиши учун имконият қолдирингки, улар бир-бири билан рақобатга кириша олсин. Уларга истеъмолчига энг мақбул шартларни таклиф қилиш орқали шу истеъмолчи учун курашиш имкониятини беринг. Эркин рақобат энг яхши сифатли маҳсулотни нисбатан пастроқ баҳода таклиф эта олган томонга муваффақият келтиради”.

И.Бентам давлат олдида турган мақсад, вазифаларни, қолаверса, давлатнинг фаолият доирасини айнан мана шундай ёндашувлардан келиб чиқиб белгилашга ҳаракат қилади.

Давлатнинг олий мақсади кўп сонли инсонлар учун бахтга эришиш имкониятини таъминлаш деб ҳисобласа-да, И.Бентам бу борада давлатнинг муҳим вазифаларидан бири, имкон даражасида, жамиятда тартибни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жамият аъзоларини шу жамиятнинг бошқа аъзолари тажовузидан ҳимоялаш билан чекланиши лозимлигига урғу беради. Айнан мана шу ёндашувдан келиб чиқиб, у давлат бошқарувига доир ўз таклифларини илгари суради: “Индивидларга, улар ҳатто ўз ҳаракатлари билан ўзига зарар етказиши мумкин бўлса-да, имкон даражасида кўпроқ ҳаракат эркинлиги учун имконият яратинг... Қонун кучини фақатгина улар ўз ҳаракати билан жамиятнинг бошқа аъзоларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатларни тартибга солиш учун ишлатинг”.

И.Бентамнинг иқтисодий масалаларга бағишланган илк асаридеяёқ шу ёндашувни кўриш мумкин.

У Россияда князь Потемкин хизматида бўлган биродари Соломоннинг таклифига биноан, 1786 йилда бу ерга келади. Ҳозирги Белоруссия ҳудудида жойлашган Задобра қишлоғини ўзига макон қилиб олган олим бу ерда ўз илмий изланишларини давом эттиради ва 1787 йилда иқтисодий масалаларга бағишланган илк китоби “Судхўрлик ҳимояси” (“Defense of usury”) асарини яратади.

“Фуқаролар ўртасидаги хусусий шартнома муносабатларига, молиявий масалаларга давлат аралашуви керакми ёки фуқароларга бу масалаларни ўзлари ҳал қилишлари учун тўла ваколатни берган ҳолда, учинчи томоннинг аралашувисиз ҳал қилиш учун имконият яратиш керакми, деган саволлар уни жуда ҳам қийнарди” [17].

Шу саволларга жавоб излар экан, “И.Бентам судхўрликдан олинадиган фойдани чегараловчи қонунларнинг



мавжуд бўлиши, бу соҳада белгиланган даражадан юқори фойда олинганлиги учун жинсий жавобгарликнинг белгилангани мантиқан қанчалик тўғри эканлигига оид масалалар билан шуғулланишни ўзига мақсад қилиб қўйди” [18].

И.Бентамнинг ўзи бу борада шундай фикр билдиради: “Ушбу масала юзасидан менинг ўрганишларим қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлади: балоғат ёшига етган ва соғлом ақлга эга бўлган, қолаверса, масала моҳиятини англаган ҳолда эркин ҳаракат қилаётган ҳеч бир инсонга, ҳатто унинг манфаатларини кўзлаб бўлса ҳам, маблағ ишлаб олиш учун тузаётган шартномасини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мумкин эмас. Демак, ҳеч кимга ўзи рози бўлган шартларда қарз олишига халақит бериш керак эмас” [19].

Пул олди-бердиси билан боғлиқ масалаларда қарши томон билдираётган фикрларнинг бемаънилигини кўрсатиш мақсадида у бир мисол келтиради, яъни давлат от савдоси билан боғлиқ масалаларга аралашмаётган бўлса, пул савдосига нимага аралашади, пул савдосининг от савдосидан нима фарқи борки, уларнинг бирига аралашиб, иккинчисига аралашмаса, дея ўз фикрини асослашга ҳаракат қилади.

Ушбу қўлёзма Лондондаги дўсти Вильсонга хат шаклида ёзилган бўлиб, И.Бентам дўстидан қўлёзмани босмахонага топширишини сўраган. Лекин қўлёзмада Адам Смитнинг айрим қарашларига қарши фикрлар бўлганидан чўчиган Вильсон уни эълон қилишни турли баҳоналар билан орқага чўзётган эди. Ушбу масалага аралашган И.Бентамнинг отаси қўлёзмани ҳеч кимдан сўрамасдан ўзи босмахонага топширади. Қизиғи, ушбу китоб билан танишиб чиққан А.Смитнинг ўзи муаллиф фикрлари билан қўшилишини билдиради ва ҳатто И.Бентамга ўз ҳурмати-

ни билдириш мақсадида унга ўз асарларидан бир нусхани туҳфа сифатида жўнатади.

И.Бентам мулк масаласига доир ҳам ўзининг қизиқарли фикрларини қолдирган. Ҳуқуқшунос сифатида И.Бентам мулк институтини фуқаролик ҳуқуқининг асосий институти деб билган. У мулкни нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий институт сифатида, фуқаролик жамиятининг асоси сифатида кўради ва бу борада унинг қарашлари замондоши Г.Гегелнинг қарашларига мос келади.

И.Бентамнинг фикрича, “қонун ва мулк бирга туғилади ва бирга ўлади. Қонун вужудга келмасдан аввал мулк ҳам йўқ эди. Қонунни йўқ қилинг – мулк ҳам йўқ бўлади” [20]. У мулк жамиятда бойликни вужудга келтирса-да, камбағалликнинг вужудга келишига сабаб бўлмайди, деган қарашни илгари суради.

И.Бентамнинг мулк масалаларига қарашларида алоҳида ўрин тутувчи фикрларидан бири шундан иборатки, у жамият учун бойликларнинг бир гуруҳ қўлида ҳаддан зиёд тўпланиши ва унинг фонида қашшоқлар қатламининг кенгайиб кетишидан кўра, кўп сонли ўрта мулкдорлар қатламининг кенгайиб бориши кўпроқ манфаатли эканлигида ўз аксини топади [21]. Айнан мана шу ҳолат, унинг фикрича, жамият, хавфсизлик, тенгликни ва барқарор ривожланиш учун асос яратади.

Унинг мазкур қарашлари ХХI асрда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини ўз жамиятларида ўрта мулкдорлар қатламини шакллантириш ва кенгайтириб бориш сиёсати бугунги кунда кўплаб давлатлар сиёсатидаги асосий мақсадлардан бири бўлиб қолаётганида ўз исботини топади.

Бентам мулк масалаларига катта эътибор қаратиш билан бир қаторда, камбағалликни камайтириш масала-

ларига ҳам муҳим масалалардан бири сифатида қараган. Бу, биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Бентам либерализмида ижтимоий масалаларга катта ўрин ажратилгани билан боғлиқ. И.Бен-тамнинг камбағаллик масалаларига оид қарашлари унинг бир қатор асарларида, жумладан, юқорида тилга олинган: “Паноптикум”, 1796 йилда ёзилган “Камбағалларни бошқариш”, “Пауперларни бошқариш масалаларини такомиллаштириш” (1797), “Уильям Питт томонидан таклиф қилинган Камбағаллар тўғрисида билль юзасидан фикрлар”, “Камбағалларнинг аҳволи ва уларга ёрдам” каби асарларида ўз аксини топган.

У камбағаллар масалалари билан шуғулланишни ҳукумат олдида турган муҳим масалалардан бири сифатида қарайди. Камбағалларга ёрдам беришнинг йўллари, воситалари ва чегаралари алоҳида қонунлар билан белгиланиши лозимлиги тўғрисидаги фикрни илгари суради. Унинг фикрича, ҳукумат томонидан камбағалларга бериладиган бундай ёрдамдан кўзланган асосий мақсад оддий қўллаб-қувватлаш бўлиб қолмасдан, уларни мазкур аҳволдан олиб чиқишга қаратилган аниқ ёндашувни ўзида қамраб олган бўлиши керак.

Қолаверса, у камбағалликдан чиқаришда фуқаро қандай қилиб бу вазиятга тушиб қолганлигини таҳлил қилиш зарурлигига урғу бериб, камбағалликка тушиш сабабларини категорияларга бўлиб таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Жумладан, у камбағалларни: ногиронларга, ишсизларга, ўз мулкни йўқотганларга ва бошқаларга ажратади ва шу асосда барча камбағалларни: ишлаши мумкин бўлган ва ишлаш қобилиятини йўқотганларга бўлади.

Файласуф аҳоли учун кафолатланган бандликни таъминлаш, минимал маош белгилаш, айрим ишлаш қобилиятини йўқотган аҳоли қатламлари учун ижти-

мой таъминот асосларини яратиш масалаларида давлатнинг фаол позицияда туриши тарафдори бўлиб ўртага чиққанлигини кўриш мумкин.

Албатта, камбағалликни камайтириш масаласида у илгари сурган ғоялар орасида яхши ёндашувлар баробарида, мутлақо қабул қилиб бўлмайдиганлари ҳам бўлса-да, концептуал жиҳатдан И.Бен-тамнинг мазкур йўналишдаги қарашлари ва таклифлари кейинчалик ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи асосларининг шаклланишида ҳам ўзига хос ўрин эгаллаган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, И.Бен-там ўзининг утилитаризм ғояларидан келиб чиқиб, иқтисодий соҳада илгари сурган ёндашувлари билан, том маънода, XVIII аср инглиз либерализми асосларини яратишга катта ҳисса қўшди.

Даставвал, у иқтисодий либерализмининг ёрқин намояндаларидан бири сифатида шахс, индивид манфаатларига устуворлик берганлигини таъкидлаш лозим. У шахс манфаатини таъминлаш орқали жамият манфаатини таъминлашга, индивид фаровонлиги орқали бутун жамият фаровонлигига эришиш мумкин деб билган ва шу қарашлардан келиб чиқиб, ўзининг давлат ва жамият ҳаётига оид қарашларини шакллантирган.

Айнан шу қарашдан келиб чиқиб, давлатнинг иқтисодий ҳаётга, тадбиркорликни тартибга солиш масалаларига аралашуви минимал даражада бўлиши тарафдори сифатида ўртага чиқади.

Шу билан бирга, И.Бен-там либерализмининг ўзига хос қиёфасини белгиловчи яна бир жиҳат – ижтимоий масалаларни тартибга солиш, аниқса, камбағалларни ночор ҳолатдан олиб чиқиш (уларга фақат кўмак бериш билан чекланиш эмас, айнан мазкур ҳолатидан олиб чиқиш йўллари излаш)ни давлатнинг



муҳим вазифаларидан бири сифатида қарашда ўз аксини топади. Фанга “И.Бентам либерализми”, “ижтимоий таъминот либерализми” ва бошқа номлар билан кирган ушбу ёндашув кўплаб мутафаккирларнинг илмий қарашларига катта таъсир ўтказган.

Албатта, И.Бентам либерализмида марказий ўринлардан бирида мулк масаласи турганлигини кўриш мумкин. Унинг мулкка нафақат иқтисодий институт, балки жамиятни асосий таъминловчи ижтимоий институт сифатидаги қараши, айнан мулкка муносабат жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан бири сифатидаги қарашлари либерализм ғояларининг кейинги ривожига муҳим туртки берган стимуллардан бири бўлди.

Мамлакатда яратилаётган қонунлар ёки бошқача айтганда, сиёсий-ҳуқуқий тизим монополиялар, мулкнинг кичик бир гуруҳ қўлида тўпланиб қолиши ва ночорлар қатламининг кенгайишига эмас, аксинча, ўрта мулкдорлар сафининг кенгайишига хизмат қилса, шундай жамият ривожланиб бориши тўғрисидаги фикрлари кейинги юз йилликларда Европа давлатларининг аксариятида ривожланиш траекторияларининг белгиланишига катта таъсир кўрсатган ғоялардан бирига айланди.

Умуман олганда, И.Бентам ўзи фаолият юритган бошқа соҳалар каби иқтисодий соҳада илгари сурган ва ўз даври учун ниҳоятда илғор саналган, аксарият ҳолларда, ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган ғоялар эски феодализм тузуми ўрнига янги буржуа қадриятлари қарор топа бошлаган бир даврда, жамият ўзи учун янги мўлжаллар олаётган бир паллада, утилитаризмни ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисод ва ҳуқуқ соҳаларини ислоҳ қилишда ўзига хос маёққа айланганди. Қолаверса, “ижтимоий фаровонлик” назарияси

(“welfare economics”) ҳамда ҳозирги давргача Ғарб дунёсининг аксарият мамлакатларида давлат сиёсати даражасига кўтарилган “умумий фаровонлик давлати” (“Welfare state”) қарашларининг шаклланишида маълум роль ўйнаган ғоялар қаторига олиб кирди.

И.Бентам илгари сурган ғоялар кейинчалик иқтисодий таълимотлар тарихида алоҳида ўринга эга бўлган бир қатор таълимотлар, жумладан, жамиятнинг барча аъзолари эҳтиёжини “максимал қондириш” назариясини илгари сурган А.Маршалл (1842-1924), “умумий манфаатдорликни ошириш” йўллариини излаган Ф. Эджуорт (1845-1926), “фаровонлик назарияси”ни илгари сурган А.Пигу (1877-1959), фоизлар назариясини илгари сурган Австрия иқтисодиёт мактабининг йирик вакили Э.Бем-Баверк, “Оптимум” тамойилини илгари сурган Лозанна иқтисодий мактаби йирик вакили В.Парето ва бошқа йирик назариётчилар қарашлари ҳамда илмий мактабларининг, иқтисодиётда алоҳида ўрин тутувчи кейсианлик, маржинализм каби назарияларнинг шаклланишига ғоят кучли туртки берди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга ёндашувларда ҳам И.Бентам ижтимоий либерализми ёки юқорида тилга олинган “умумий манфаатдорликни ошириш”, “фаровонлик назарияси” каби назарияларни илгари сурган буюк мутафаккирлар интилган орзуларининг энг ижобий томонларининг амалдаги реализациясини кўриш мумкин.

Жумладан, мамлакатда амалга оширилаётган чуқур янгиланишлар асосида турган тамойиллар орасида, бир томондан, иқтисодни либераллаштириш, давлатнинг иқтисодий масалаларга аралашувини чеклаш ва тадбиркорликка кенг имкон яратиш каби муҳим асослар кўзга ташланса, иккинчи томондан дав-

лат тизимлари фаолиятининг “давлат – инсон учун” тамойили асосида қайта қурилаётгани, “инсон қадрини улуғлаш” шиори остида иш юритилиб, жамиятнинг барча аъзолари учун бирдек имкониятлар яратиш, кам таъминланган табақалар вакилларини қўллаб-қувватлаш сиёсати устувор даражага чиқарилганини кўрамиз. Камбағалликни камайтириш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилганлиги “Янги Ўзбекистон” да амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатни ажратиб турувчи қирраларидан бирига айланди. Айнан мана шундай ёндашув бугун ўз натижаларини бераётгани мамлакат раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатида келтирилган маълумотларда ўз аксини топган. Хусусан, иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулоти хажми тарихда илк бор 145 млрд АҚШ долларидан ошганлиги, жалб қилинаётган инвестициялар оқими йилдан йилга ошиб бораётгани, иккинчи томондан, аҳоли даромадларини ошириш, ишсизлик даражасини тушириш борасида аниқ натижаларга эришилди. 2025 йилнинг ўзида ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга туширилди. 1,5 млн эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан

чиқарилди, 1 минг 435 маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айлантирилди [22].

И.Бентамнинг “энг кўп инсон учун энг кўп бахтни таъминлаш” ғоялари бугун маълум даражада алоҳида халқаро рейтингларда ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, БМТ томонидан давлатларнинг бахтлилик даражасини белгилаш мақсадида ўтказиладиган “World Happiness Report” рейтинги айнан шу мақсадни ўз олдига қўяди. 2024 йилда Ўзбекистон ушбу рейтингда Марказий Осиёдаги энг бахтли давлат сифатида топилган эди.

Кўриниб турибдики, иқтисодиётга либерализм тамойиллари асосида ёндашиш билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий масалаларни, хусусан, кам таъминланган оилаларни камбағалликдан чиқаришда айнан давлатнинг етакчилик ролига асосланган сиёсат Ўзбекистон шароитида ўзини оқлаётганини яққол кўрсатмоқда.

Демак, ўз вақтида айрим сабабларга кўра бир ёқлама муносабатлар қурбони бўлган, лекин ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий қарашларга катта таъсир ўтказган йирик алломалар меросини атрофлича ўрганиш бугун тадқиқотчилар олдига муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади.



Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. И.Бентам яратган асарларнинг жуда кам қисмигина у ҳаётлик вақтида ва кейинчалик унинг ўлимидан кейин чоп этилган. Аксарият қўлёзмалари ҳалигача чоп этилган эмас.
2. Рус тилидаги ва постсовет давлатлари адабиётида мутафаккирнинг исми Иеремия Бентам сифатида, Ғарб тадқиқотчилари асарларида Жереми Бентам сифатида ишлатилади. Биз мақолада мутафаккир исмининг “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да ишлатилган шакли – Иеремия Бентам шаклини қўлладик.
3. Маркс К. Капитал: В 3 т. Т. 1. – М.: Государственное издательство политической литературы, 1952. – С. 615. (63-изоҳ).
4. История политических и правовых учений / Под ред. С.Ф. Кечекьяна, Г.И. Федькина. – М., 1960. – С. 437-439; История политических и правовых учений / Под ред. В.С. Нерсесянца. – М., 1988. – С. 370; История политических учений / Под ред. К.А. Мокичева: В 2 ч. Ч. 1. – М., 1971. – С. 273; Бентам И.// Большая советская энциклопедия. Т.3. – М.: “Советская энциклопедия”, 1970. – С.200.
5. Кони А.Ф. Нравственные начала в уголовном процессе (Общие черты судебной этики) // Кони А.Ф. Собр. соч.: в 8 т. Т. 4. – М., 1967. – С. 42.
6. Dicey A.V. Lectures on the Relation between Law and Public Opinion in England during the nineteenth century. London, 1962. P. 184.
7. Bentham, Jeremy The Panopticon Writings. Ed. Miran Bozovic (London: Verso, 1995). p. 29-95// https://is.muni.cz/el/fss/jaro2016/POL478/um/Bentham_-_Panopticon.pdf
8. Бентам// Энциклопедический словарь Ф. А. Брокгауза и И.А. Ефрона.(в 12 томах). Биографии. Том 2. – М.: Большая российская энциклопедия, 1992. – С. 88-102.
9. Бентам И. Введение в основания нравственности и законодательства. – М.: РОС-СПЭН, 1998. – С. 9.
10. Ўша жойда. – 10 б.
11. Милль Дж.С. Утилитаризм. – Ростов-на-Дону: Донской издательский дом, 2013. – С. 45.
12. Бентам И. Введение в основания нравственности и законодательства. – С.11.
13. Ротунда Р. Либерализм как слово и символ. Борьба за либеральный бренд в США. – М. Челябинск: “Социум”, 2025. – С. 37.
14. Ўша жойда. – 373-375 б.
15. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – 1993.
16. Бентам И. Основные начала гражданского кодекса// Избранные сочинения Иеремия Бентама. Т.1. – СПб.: “Издание русской книжной торговли”, 1867. – С.324.
17. Левенсон П.Я. Беккария и Бентам: их жизнь и общественная деятельность. – СПб.: Типография “Общественная польза”, 1893. – С.70.
18. Ўша жойда.
19. Ўша жойда.
20. Бентам И. Основные начала гражданского кодекса. – С. 338.
21. Ўша асар. – 348 б.
22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/8834>
23. Бентам И.// Большая советская энциклопедия. Т.3. – М.: “Советская энциклопедия”, 1970. – С. 200.